



O'ZBEKISTON  
GENDER  
KOMISSIYASI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAHALLA VA OILANI  
QO'LLAB-QUVVATLASH  
VAZIRLIGI



# Аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма

Baktria press

Тошкент

2021

УЎК 346.632-055.2

КБК 67.408

60.54

С 21

Саидова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н.

Аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликдан химоя қилиш бўйича қўлланма

[Матн] : қўлланма / Л.А. Саидова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б.

Мазкур нашр Ўзбекистонда тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш масалаларига бағишланади. Нашрда тазйиқ ва зўравонликнинг турлари, улардан химояланиш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари баён қилинган. Шунингдек, унда оилада зўравонлик ва тазйиққа барҳам бериш масалаларига алоҳида тўхталинган.

Муаллифлар:

Л.А. Саидова – халқаро ҳуқуқшунос, Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш маркази профессори

Ш. Умарова - юридик фанлар номзоди, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги юридик бўлим бошлиғи

Д.Абулхасан – ҳуқуқшунос, БМТ ТД “Давлат бошқарувида ва ижтимоий сиёсий ҳаётда аёлларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси раҳбари.

Н.Н. Шотурсунова – Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси бош маслаҳатчиси ва Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ишчи гуруҳи аъзоси.

Мазкур нашр Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг “Аёлларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқ, имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини ошириш” кўшма лойиҳаси доирасида БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН. Нашр мазмуни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуктаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси БМТ Тараққиёт Дастурининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг [www.moqquv.uz](http://www.moqquv.uz) интернет сайтларига жойлаштирилган.

Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 51 уй.

Тел: +99871 203-01-30

Факс: +99871 236-23-52

Электрон почта: [info@moqquv.uz](mailto:info@moqquv.uz)

© Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, 2021

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2021

© Baktria press, 2021

ISBN 978-9943-7479-7-5

*“Агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади”.*

**Ш.Мирзиёев**

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йуналиши бўлиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий тизим яратилди. Конституциямиз ва кодексларимизда, қонунларимизда инсон эрки, кадр-қиммати энг олий кадрият сифатида мустаҳкамланди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлашдир. Мустақиллик йилларида бу борада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Гендер тенглигини таъминлаш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган сиёсат, айниқса, диққатга сазовордир.

Жумладан аёл ҳуқуқлари бўйича эришилган натижалар қуйидагиларда ўз аксини топди:

- ▶ Хотин-қизларнинг парламентдаги ва маҳаллий кенгашлардаги вакиллиги сони оширилди;
- ▶ Давлат бошқарувининг маҳаллий органларига, туман ҳокимлари лавозимларига аёллар тайинлана бошланди;
- ▶ Парламент юқори палатасида гендер тенглиги масалалари бўйича ишчи органлар ташкил этилди;
- ▶ Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида, 2020-2030 йилларга мўлжалланган Гендер стратегияси тайёрланди;
- ▶ Гендер тенглигини таъминлашга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилди;
- ▶ Бутун мамлакат миқёсида зўравонлик жабрдийдаларига ёрдам кўрсатувчи хотин-қизларнинг реабилитация марказлари фаолият кўрсата бошлади;
- ▶ Кам таъминланган ва муҳтож аёлларни уй-жой билан таъминлаш амалга оширилди;
- ▶ Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ва иш билан таъминлашнинг қулай механизмлари ишлаб чиқилди.
- ▶ Хотин-қизлар билан ишлайдиган ННТларнинг фаоллиги ошди;

Президент Ш.Мирзиёев хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида шундай деган эди: “Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт. Афсуски, биз узоқ вақт бу масалага етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли опасингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз туфайли йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очиғини айтиш керак, осон бўлмаяпти.

Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муҳтарам опасингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз”.

2019 йил 2-сентябрда Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни қабул қилинди.

Зўравонлик жамиятдаги энг ёмон иллат сифатида инсонлар ўртасидаги тенгликни, эркинликни йўққа чиқаради. Қарамлик, қуллик, бошқалар устидан ҳукм юритиш, уларни таҳқирлаш ва камситишга олиб келади. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш лозим.

Уларнинг содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш зарур. Жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш керак.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 2019 йилда қабул қилинган Қонун ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йилда қабул қилинган қонунлар хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка барҳам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши, уларни ижро этувчи ваколатли органлар, уларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, ижро этиш механизмлари, жамоатчилик назоратини олиб бориш имкониятлари каби қатор тартиб тамойиллар белгилади. Шунингдек, биринчи маротаба “ҳимоя ордери” тушунчаси киритилиб,

уни бериш, унга амал қилиш, амал қилмасликнинг оқибатлари каби нормалар мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини эътироф этиш ҳуқуқий тизимимизда қўйидаги ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;
- ▶ 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;
- ▶ 2014 йил 14 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;
- ▶ 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни;
- ▶ 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;
- ▶ 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сонли “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февраль кундаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 60-сон қарори;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон Қарори ва бошқа ҳужжатлардан иборат.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат миллий ҳуқуқий тизимимизда, балки, ҳалқаро ва глобал миқёсдаги шартномаларда ҳам кенг мустаҳкамланган. Жумладан, улар сирасига қуйидаги ҳалқаро ҳужжатлар киради:

- ▶ 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси;
- ▶ 1949 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишабозлик билан учинчи шахслар томонидан эксплуатация қилинишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция”;
- ▶ 1953 йилда қабул қилинган “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”;
- ▶ 1957 йилда қабул қилинган “Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенция”;
- ▶ 1960 йида қабул қилинган Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида Конвенция;
- ▶ 1962 йилда қабул қилинган “Турмушга чиқишга ва никоҳнинг минимал ёши ҳамда уни қайд этишга розилик бериш тўғрисидаги конвенция”;



- ▶ 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт;
- ▶ 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт;
- ▶ 1979 йилда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW);
- ▶ 1979 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция”;
- ▶ “БМТнинг Трансмиллий уюштирилган жинойтчиликка қарши конвенцияни тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тўхтатиш ва у учун жазолар тўғрисида”ги Протокол;
- ▶ “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига оид қўшимча протокол” кабилар устуворлик касб этади.
- ▶ 1989 йилда қабул қилинган Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси;
- ▶ 1993 йилда қабул қилинган Зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги Декларация;
- ▶ 1995 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳужжатлар ичида 1979 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция” муҳокама қилинаётган мавзуга яқин бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бу ҳужжатга 1995 йил 6 майда қўшилган. Ушбу халқаро ҳужжат унга қўшилган иштирокчиларга қатор мажбуриятлар юклайди, қайсики аъзо давлатлар уларни ўз миллий қонунчиликларига сингдиришлари шарт.

## **Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция эътироф этаётган ҳуқуқлар:**

- ▶ Қонун олдида тенглик;
- ▶ Таълим олишда тенглик;
- ▶ Сиёсий ҳаётда тенг иштирок этиш;
- ▶ Меҳнат қилишда тенг шароитларга эга бўлиш;
- ▶ Иқтисодий ва саломатлик ҳимояси;
- ▶ Жинсий зўрликдан халос бўлиш;
- ▶ Тенгсизликни бартараф қилишга қаратилган даврий ва махсус чоралар кўриш.

8

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияда: «хотин-қизларнинг камситилиши» тушунчаси, ҳар қандай фарқ, жинсий белгиларига кўра истисно қилиш, чеклаш, тан олмаслик, йўққа чиқариш ёки бўшаштиришга йўналтирилган, аёллар фойдаланаётган ёки амалга ошираётган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа соҳада оилавий шароитдан қатъи назар эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англатади. Инсон ҳуқуқларининг табиий ва ажралмас бўлаги – бу аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимоя қилинишидир. Бу масала бутун дунё ҳамжамиятининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош мақсади ҳисобланади.

① (конвенциянинг 7-моддаси) Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш бўйича барча чораларни, хусусан қуйидаги чораларини кўрадилар:

– сайлаш ва сайланиш;

- Ҳукумат сиёсатини белгилаш, амалга ошириш жараёнларида иштирок этиш, давлат органларида мансаб ва лавозим эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча тизимларида иштирок этишдаги функцияларни амалга оширишда қатнашиш;
- ННТлар фаолиятида тўсиқсиз иштирок этиш.

- ② (Конвенциянинг 12-моддаси) Иштирокчи давлатлар аёлларга ҳомиладорлик даврида тегишли хизмат кўрсатилишини, хусусан, туғиш ва туғруқдан кейинги даврда зарурат бўлганда бепул хизмат кўрсатиш ҳамда ҳомиладорлик ва болани эмизиш даврида овқатланишини таъминлаши керак.
- ③ (Конвенциянинг 13-моддаси) иштирокчи давлатлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатларида ҳам аёлларнинг ҳуқуқлари камситилишининг олдини олади, хусусан, кўчмас мулк остида займ, ссуда, кредит ва бошқа молиявий кредит олиш ҳуқуқларини таъминлаши керак.
- ④ (Конвенциянинг 15-моддаси) Иштирокчи давлатлар аёллар ва эркакларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилигини, бу тенгликни амалда реализация қилинишини таъминлайди. Ҳар қандай шартнома ва ҳар қандай хусусий ҳужжат ёки қарор аёлларнинг ҳуқуқи камситилишига олиб келадиган бўлса, у бекор қилинишини таъминлаши лозим.
- ⑤ (Конвенциянинг 16-моддаси) Ҳар қандай низоли масаланинг ҳал қилинишида бола манфаатлари устунлиги таъминланиши лозим.

Қайд этилган Қонунлар ва халқаро ҳужжатларда эътироф этилган қоидаларга кўра, бу соҳадаги айрим тушунчаларга ойдинлик киритамиз:

- ▶ Гендер ижтимоий жинс деган тушунчани беради ва ҳар иккала жинснинг тенглигини эътироф этади.

- ▶ Гендер аёл ва эркак муносабатларининг мажмуини ташкил этади ва у ривожланиш жараёнининг барча босқичларида: оилада, жамиятда, таълимда, сиёсатда намоён бўлади.
- ▶ Жинс – аёл ва эркакнинг биологик фарқланишини билдиради.

Умуман олганда, гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий тенглигидир.

Эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга эканлиги қонунларда белгилаб қўйилганлиги билан, эскича қарашлар, асрлар оша сақланиб келаётган стереотиплар, ўйлаб топилган удумлар одамлар онгида ҳамон аёлга нисбатан паст назар билан қараш фикрларининг сақланиб қолаётганлиги салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунга келиб, турли ахборот майдонларида, айниқса ижтимоий тармоқларда хотин-қизларга нисбатан камситишнинг турли кўринишлари учраб турибди. Қуйида камситишнинг турларига тўхталиб ўтамиз.

Жинс бўйича **бевосита камситиш** – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шаҳвоний тегачоғлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш каби ҳолатларда кўринади.

Жинс бўйича **билвосита камситиш** – бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулай ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан, гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар

учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш.

Зўравонлик нима?

**Зўравонлик** хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайри ҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Зўравонликнинг турлари қуйидагилар:

**Руҳий зўравонлик** хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Руҳий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ▶ хиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик;
- ▶ унинг фикрлари устидан кулиш;
- ▶ жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик;
- ▶ ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш;
- ▶ унинг дўстлари ва қариндошларига хавф етказаман деб қўрқитиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик;
- ▶ жабрланувчи билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш;

- ▶ кариндош-уруғлар орасида шарманда қилиш;
- ▶ уйдан кетишини айтиб қўрқитиш;
- ▶ касал ёки ҳомиладор бўлганда унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш;
- ▶ доимий равишда танқид қилиш, хафақилиш, ғазабга келтириш, яъни (сен жуда семизсан ёки озғинсан, аҳмоқсан, энг бўлмағур онасан, тўшакда бўлмағур шериксан) ва ҳоказо.

**Жисмоний зўравонлик** хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли.

- ▶ Жисмоний зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:
- ▶ шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш;
- ▶ зарб билан итариб юбориш;
- ▶ турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш;
- ▶ қурол билан хавф солиш ёки яралаш;
- ▶ уйдан чиқишга жисмонан йўл қўймаслик;
- ▶ кечаси ухлашга қўймаслик ва бошқалар.

**Жинсий зўравонлик** – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга

етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

- ▶ Жинсий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:
- ▶ эркакнинг аёли билан фақат жинсий объект сингари муомала қилиши;
- ▶ жинсий алоқадан бош тортиш ёхуд аёлга мулойимлик қилмаслик;
- ▶ жинсий алоқа қилишда мажбурий хатти-ҳаракатлар қилдириш;
- ▶ жинсий алоқани ўта шафқатсизлик билан амалга ошириш;
- ▶ зўрлаш йўли билан жинсий алоқа қилишга киришиш;
- ▶ аввал калтаклаб, кейин жинсий алоқа қилиш;
- ▶ порнографик кўринишдаги бузук хатти-ҳаракатларни кўришга ёки такрорлашга мажбурлаш;
- ▶ доимий равишда ҳаммага рашк қилиш ва кимлар биландир зинокорликда айблаш ва ҳоказо.

**Иқтисодий зўравонлик** – хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

**Иқтисодий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- ▶ бирламчи эҳтиёжлари (озик-овқат, кийим-кечак, дори) учун асоссиз пул бермаслик;
- ▶ уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш;

- ▶ таълим олиш ва меҳнат қилишга рухсат бермаслик;
- ▶ қанча пул сарфлашини назорат қилиш;
- ▶ ўзи топган пулни тасарруф этишга йўл қўймаслик;
- ▶ оила бюджетидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳ.к.
- ▶ ҳаракат (ҳаракатсизлик)да намоён бўлади.

Бугунги кунда кенг тарқалган зўравонликнинг яна бир тури кибер зўравонлик.

- ▶ Зўравонликнинг ушбу тури интернет орқали мутассил давом этувчи, такрорий ва узок вақт давомида бировнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширишда ифодаланади.
- ▶ Руҳий зўравонликдан зулм ўтказаетган шахс анонимлиги, Интернет орқали ёқимсиз хабарлар туну кун кенг оммага тарқалиши билан фарқланиб, жабрланувчига ғоят катта азоб-уқубат келтириши билан кескин фарқланади.
- ▶ Интернет тармоғидан фойдаланиб, иш ёки ўқиш жойи, оилада турли хил ҳақоратлар, тухмат, таъна, миш-мишлар, уйдирма хабарлар тарқатишда ифодаланади.
- ▶ Шунингдек, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали инсоннинг руҳиятига қаттиқ таъсир этувчи, уни изтиробга солувчи бешафқат муносабат ва зўравонлик саҳналарини намоёиш этишни ҳам шахсга бўлган зўравонлик, деб эътироф этишимиз мумкин.

Тазйиқ нима?

**Тазйиқ** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), тегачоғлик. Иш жойини йўқотишга шаъма қилиш, босим ўтказиш, ўз хоҳишига



қарши муносабатларга киришишга мажбурлаш, айнан тазйиқ ва зўравонликнинг кўринишидир.

**Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи** – ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс.

**Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** – хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

**Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** – хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**Ҳимоя ордери** – тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида давлат томонидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу жумладан, Ички ишлар вазирлиги тизимида мавжуд ҳудуд ва маҳаллаларда хотин-қизлар масалалари

билан ишловчи нозирлар лавозимлари ташкил қилиниб, аксарият ҳолларда бу вазифани айнан шу соҳанинг мутахасиси бўлган хотин-қизлар амалга ошириб келмоқда. Бу тизим мутлақо янги бўлиб, унинг фаолияти янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Соҳа вакилларига мазкур масала бўйича мурожаат қилган фуқаролар билан мулоқотни йўлга қуйиш юзасидан таклифларни тавсия қиламиз.

Гендер зўравонлиги жабрдийдаси билан мулоқот қоидалари:

- ① Инсонни очиқ чеҳра билан кутиб олинг.
- ② Ўзингизни таништиринг ва ташкилотингизнинг кўрсатадиган хизмат ҳуқуқий нормалар тўғрисида қисқа маълумот бериб ўтинг.
- ③ Жабрдийда билан ёки унинг ҳамкорлари билан кескин ҳаракатлар қилманг, чунки стресс ҳолатидаги инсонларга бу таъсир қилиши мумкин.
- ④ Келган инсоннинг аёл ёки эркаклигидан келиб чиқиб ундан маслаҳат ва мададни аёл ёхуд эркак кишидан олиш истагини албатта сўранг.
- ⑤ Келган инсонга у муҳим ҳисоблаган барча саволларни беришга имкон яратинг.
- ⑥ Аҳолининг турли гуруҳ эҳтиёжларини эслаб қолинг. Масалан, физиологик руҳий бузилишлар этник кам сонлилар диндорлар бўлиши мумкин. Уларнинг муаммоларини имкон қадар ечишга урининг.
- ⑦ Инсонлар билан мулоқотда раҳмдиллик ва конфиденциал шароитни яратинг. Уларни фаол эшитиб аниқлаштирувчи саволлар беринг.
- ⑧ Гендер зўравонлигига учраган шахс билан ишончли муносабатларни шакллантиринг.
- ⑨ Жабрдийдани шубҳали таҳдид бўлиш бўлмаслигидан қатъи назар ёлғиз қолдирманг.

- ⑩ Пассив, бепарво эшитувчи бўлманг. Бепарволик жабрдийдага унинг ҳақ эканлигига ишонмаётганлик фикрини уйғотади.
- ⑪ Жабрдийдани “очилишига” мажбур қилманг. У, ишонч муҳити яратсангиз, ўзи барчасини гапириб беради. Сабрли бўлишга ҳаракат қилинг.
- ⑫ Аёлга оила аъзоси, дўсти, болалари олдида саволлар берманг.
- ⑬ Саволларингизни аниқлаштириш учун фақат унинг ҳикояси тугаганидан сўнг беринг. Унинг ҳиссиётларига қулоқ тутиб, улар тўғрилигига ишонч билдинг.
- ⑭ Ўз сўзларингизни унинг тили ва сўзлашувига мосланг.
- ⑮ Аёлга ҳамдардлик ҳисси билдинг “нимага” деган саволлардан қочинг, одатда бу сўз айбдорлик ҳиссини кучайтириши мумкин.
- ⑯ Аёлни айбламанг. “нега сиз у билан қоляпсиз?”, “зўравонликдан олдин сизда бундай айбланишга асос бўлганми?”, “бир ўзингиз бу ерда нима қилипсиз?”, “нима кийиб олгансиз?” каби саволларни берманг. Унинг ўрнига жабрдийдага зўравонликка асло чидамасликка ўргатинг.
- ⑰ Жабрдийдага мадад берувчи “Шу вазият сиз билан бўлганига ачинаман!”, “Сиз ҳақиқатдан ҳам кўп жабр кўрибсиз!” каби қувватловчи сўзларни ишлатсангиз, аёл сизга кўпроқ маълумот беради.
- ⑱ Шунини таъкидлангки, зўравонликка жабр кўрган инсон айбдор эмас, бу учун жавобгар зўравоннинг ўзи.
- ⑲ Жабрдийданинг сизга баён қилган маълумотлари хуфёна қолишига ишонтиринг.
- ⑳ Келган одамга эътибор қаратинг, унинг олдида қоғоз титкиламанг.

- ②1 Ұзингизнинг ҳаракатларингизни назорат қилинг, аёл ўз шикоятини сиз қандай қабул қилаётганлигингизни сизнинг хатти-ҳаракатингиздан билиб олади.
- ②2 Жиззакилик, ишончсизлик, қаҳрни намоён қилманг.
- ②3 Жабрдийда олдида қўл телефонингизни ўчириб қўйинг. Мумкин қадар телефонда гаплашманг.
- ②4 Жабрдийданинг маданий, диний қарашларини муҳокама қилманг.

### **Ярашув институти қўлланилмайдиган ҳолатлар:**

- ▶ Қасддан одам ўлдириш (97-модда)
- ▶ Кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида қасддан одам ўлдириш (98-модда)
- ▶ Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (99-модда)
- ▶ Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш(100-модда)
- ▶ Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда)
- ▶ Қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда)
- ▶ Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (112-модда)
- ▶ Жиноий равишда ҳомила тушириш, аборт (114-модда)
- ▶ Номусга тегиш (118-модда)
- ▶ Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда)
- ▶ Кўп хотинли бўлиш (126-модда)
- ▶ Вояга етмаган шахсни ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш(127-модда)
- ▶ Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (129-модда)

- ▶ Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда)
- ▶ Зўрлик ишлатиб ғайритабiiй равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модда).

**Жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жинoий жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган:**

- ▶ Қасддан баданга ўртача шикаст етказиш (105-модда)
- ▶ Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача шикаст етказиш (106-модда)
- ▶ Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (107-модда)
- ▶ Қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда)
- ▶ Қийнаш (110-модда)
- ▶ Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (111-модда)
- ▶ Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (115-модда)
- ▶ Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш (121-модда 1-қисми)
- ▶ Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-модда)
- ▶ Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-модда)
- ▶ Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда)
- ▶ Тухмат (139-модда)
- ▶ Ҳақорат қилиш (140-модда)

## Зўравонликнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирлар

- ▶ фуқароларга зўравонлик фактлари ҳақида ёки ўзига нисбатан таҳдид ва тажовузлар содир этиш ҳолатлари юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;
- ▶ низоли ҳолатлар ҳамда фуқароларнинг ғайри ижтимоий хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига нисбатан лоқайд бўлмаслик;
- ▶ соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни таъминлаш;
- ▶ зўравонликдан жабрланган шахсларни вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки ота-она ёхуд бошқа қариндош-уруғлар олдида) бўлишлари учун уларга қисқа рақамли “1146“-ишонч телефонига мурожаат этиш мумкинлиги ва мавжуд муаммога тегишли ечим олиши ҳақида тушунтириш;
- ▶ оиладаги низоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш, оила аъзолари ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш ва бошқа оилавий масалалар юзасидан психологик ёки ҳуқуқий маслаҳат олиш;
- ▶ зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, унга нисбатан таъсир чораларини қўллаш мақсадида тегишли ваколатли органларга мурожаат қилишни доимий равишда ўргатиб бориш лозим.
- ▶

## **Оилада зўравонликнинг профилактикаси**

- ▶ Хотин-қизларга нисбатан содир этилган зўравонликнинг катта қисмини оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ташкил этади.
- ▶ Шахслараро муносабатларнинг нозиклигини, оиланинг сирини махфий сақланиши сабабли профилактика борасида ички ишлар органлари ходимидан катта малака маҳорат талаб этилади.

## **Профилактик тадбирларни амалга ошириш учун ички ишлар ходими:**

- ▶ Ҳуқуқбузарлик содир этилган хонадонга бориб, низони бартараф этиш чораларини кўриши;
- ▶ Оилада мавжуд бўлган муаммолар ҳамда оиладаги муҳитни ўрганиб, низони юзага келтирган омилларни аниқлаши;
- ▶ Ушбу ҳуқуқбузарлик олдин содир этилган ёки этилмаганлигини, оила аъзолари ўртасида олдиндан адоват ёки зиддият мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганиб чиқиши;
- ▶ Оилада яшовчи шахсларнинг турмуш тарзи, оила муҳитига таъсир этувчи салбий таъсирлар манбаларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши;
- ▶ Оиладаги низо, келишмовчилик ва жанжалнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни белгилаши;
- ▶ Ушбу жанжаллар оиланинг барбод бўлишига олиб келиши, оилани асраш, унинг мустақамлигини таъминлашда эр-хотин ўзаро ҳамжихат, бамаслаҳат иш кўришлари, оилада мавжуд бўлган муаммоларнинг биргаликда ечимини топишга ҳаракат қилишларини тушунтириши;

- ▶ эр-хотин ўртасидаги жанжаллар оилада тарбияланаётган фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, яъни уларнинг таълим олишида бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида тушунтириши;
- ▶ оилада эр-хотин ўртасида рашк ёки хиёнатнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши;
- ▶ оила ҳаётига эр ёки хотиннинг отаси ёки онаси аралашуви, уларни таъсир кўрсатиши каби ҳолатларни ўрганиши;
- ▶ аёлга нисбатан бефарқлик, уни тушунмаслик, унга салбий муносабатда бўлиш, хўрлаш, камситиш, ҳақорат ва тухмат қилиш каби ҳолатларни аниқлаши;
- ▶ эркакнинг хотинига нисбатан зўрлик ишлатиши, жабр-зулм қилиши мавжуд бўлса, уларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўриши;
- ▶ оилада келинга нисбатан турмуш ўртоғи ва бошқа аъзоларининг муносабатини ўрганиши;
- ▶ келиннинг ота-онаси, қариндош-уруғларнинг оилавий ҳаётга аралашуви каби ҳолатларни ўрганиши;
- ▶ оилада келинга нисбатан муносабат, унинг эҳтиёжлари билан қизиқиш, уй-рўзғор юмушларини бажаришда унга ёрдам бериш, уни тушуниш ҳамда оиланинг бошқа аъзолари томонидан келинга нисбатан тазйиқ ёки зўравонликлар бор ёки йўқлигини аниқлаши;
- ▶ келинга ҳаддан ташқари кўп топшириқлар бериш, кўлидан келмайдиган ёки жисмоний имконияти етишмайдиган ишларни буюриш ҳолатлари бор-йўқлигини ўрганиши;
- ▶ агарда қайнонанинг келинга нисбатан зўрлик ишлатиши, жабр-зулм қилиши мавжуд бўлса, уни бартараф этиш бўйича яқка тартибда суҳбат ўтказиш, ҳимоя ордери бериши;



- ▶ такроран шундай ҳолатлар содир этилса, унда ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олиниши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши;
- ▶ эр ва хотин билан якка тартибда улар ўртасида мавжуд муаммолар,
- ▶ ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳақида уларни тартибга чақириш бўйича тарбиявий аҳамиятга молик суҳбатлар ўтказиши, шунингдек яна шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўядиган бўлишса, амалдаги қонунлар асосида уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши лозим.

Ўзбекистон Республикасида охириги йилларда амалга оширилаётган демократик ислохотлар хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам янги босқични бошлаб берди. Қонунларнинг ижросини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маҳалла фаоллари, жамиятимизнинг барча аъзоларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Муҳаррир: З.Кудратов  
Дизайн ва компьютер тайёрловчи: А. Поварич

Босишга рухсат этилди 17.11.2021 й.  
Бичими 60x90 1/8. «Times» гарнитураси.  
Босма табағи 4.  
Адади 25 нусха.

Нашриёт уйи «BAKTRIA PRESS»  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
Тел.: +998 (71) 233-23-84  
e-mail: baktriapress@gmail.com

МЧЖ SIGMA PRINT босмахонасида чоп этилди  
Манзил: Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўчаси, 33

ISBN 978-9943-7479-7-5